ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-175-179

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “ УСТОЗ ШОГИРД” ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Ў. Шукурова
ГУЛДУ, Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси
chukurova @ umail.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида “устоз-шогирд” имкониятларининг яратилиши асосан мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим ҳамда олий таълим жараёнида янги иш бошлаган ёшларимизга таълим тарбия жараёнларини сифатли ташкил қилиш ва илмий фаолиятларини самарали давом эттириш масалаларига доир фикрлар баён қилинган

Таянч сўзлар: “устоз-шогирд”, муаммо, инновацион ёндошув, методик мазмун, педагогик маҳорат, методик ёрдам, семенар, тренинглар.

ABSTRACT

There are described cases about originating facilies of “ustoz-shogird” in educational system high-grade creation of processes of the education and upbringing for apprentice teacher and secondary specialized and higher educational system effectiveness in the process of education and providing the regularity of education during the scientific work. In this article.

Keywords: follower, mentor, facilies, of ustoz-shogird”, in educational, of processes, education, apprentice, specialized, educational, effectiveness, process, providing, regularity, scientific, work.

КИРИШ

Мактабгача таълим муассасларида устоз-шогирд ишларини йўлга қўйиш учун умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимида узлуксиз равишда ўзаро ҳамкорлик ишларини амалга ошириш лозим. Ҳамкорлик ишларини амалга ошириш учун тарбиячи ва ўқитувчиларни иш фаолиятларини кузатиб кўрдик. Олиб бораётган илмий кузатувларимиз, бугунги кунда “Устоз - шогирд” анъаналарини тиклаш, кенг жорий этиш ҳамда ушбу фаолиятни узлуксиз равишда такомиллаштириш таълим тизимида ўқитувчи фаолияти мазмунини ташкил этмоғи лозимлигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Устоз – шогирд ” тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда асосий мақсад ўқувчи – ёшларга мазмунли билим бериш, касбий маҳоратга эга бўлиш орқали устозлар йўлидан бориб, келажакда ўз соҳасининг билимдони, маънавий соғлом, руҳан пок, бўлишини таъминлашдан иборат. Бу жараённи узлуксиз амалга ошириш учун яхлит ҳолда шогирдни ўз – ўзини тарбиялаш орқали, яъни эгаллаган касб – ҳунарини санъат даражасига кўтариши, миллий қадриятларимиз ҳамда анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда устозлар ўгити ҳамда ишини давом эттиришини тақоза этади. Тадқиқот ишида кузатиш, таққослаш, экперемент ўтказиш, умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди. (Ҳ.Абдукаримов, О.Сувонов. ва бошқалар)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганларидек: “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак.

Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, ҳар томонлама камол топиши учун, барча шароитларни яратиш лозим”

Юқоридаги олий мақсадли чақириққа лаббай деб жавоб беришимиз учун аввало таълим тарбия беришнинг дастлабки босқичларидан бири бўлган мактабгача таълим муассасаларидаги фаолият юритаётган тарбиячиларнинг иш фаолиятларида самарадорликка эришиш учун устоз-шогирд ишларини йўлга қўйишимиз керак.

Таъкидловчи эксперимент юзасидан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики умумий ўрта таълим тизимида ўқитувчиларнинг 36- 40 фоизи ўқув режа ва фан дастури талабларига мувофиқ асосий эътиборни касбий педагогик фаолият талабларидан келиб чиқиб, ўзларининг ўқув-методик ишларини такомиллаштиришга қаратади. Ҳар бир ўтиладиган дарснинг ўқув – методик мазмун – моҳиятини ўзи тайёрлаган ишланмалар асосида ўқувчи онгига етказиб беришга, фаннинг назарий асосларини методик маҳорат билан, яъни ўзининг педагогик тажрибаларига таяниб олиб боришга ҳаракат қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган 26 – 28 фоиз ўқитувчилар кўпроқ олий ўқув юртларида эгаллаган билим ва кўникмаларига суяниб, ўқувчиларни мустақил билим олишларига, эгаллаган билимларининг

амалий аҳамиятини билишга йўналтириб борадилар. Бўлар кўпроқ ёш мутахассислар ҳисобланишади.

26 – 28 фоиз ўқитувчилар кўпроқ олий ўқув юртларида оз сондаги, яъни 8-9 фоиз ўқитувчилар умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган кўриб ўтилган фаолият йўналишларининг барчасини қамраб олган ҳолда, ўзининг касбий педагогик маҳоратини такомиллаштириб боришга эришишади. Бир гап билан айтганда касбий фаолиятини илмий изланишларсиз, ўқув методик ҳамда амалий тажрибаларсиз тасаввур эта олмайди. Умумий ўрта таълим мактабларида 2- 3 фоиз ўқитувчилар ёшидан қатъий назар, ўз устида ишлашни ҳоҳламайди. Фан дастурида белгиланган мавзуларни дарслик даражасида ўқувчига етказиб бериш билан чекланади. Бу тоифадаги ўқитувчилар асосий фаолиятини таълим – тарбия иши билан эмас, шахсий тижорат ишлари билан боғлашади. Ўз устида ишлаш, педагогик маҳоратни ошириб бориш учун “вақт топиша олишмайди” . (Ҳ.Абдукаримов, О.Сувонов. 2010.)

Табиийки, ўқувчилар ҳам ҳар хил бўлишади. Бир гуруҳда ўртача 25 та ўқувчи бўладиган бўлса, шулардан 5 - 6 таси тинмай ўқийдиган, изланадиган, топшириқларни имкон қадар ўз вақтида бажариб келадиган, мустақил фикрли, интизомли бўлишади. Бундай ўқувчилар “ ўқитувчи- ўқувчи ” муносабатида вужудга келадиган муаммоли вазиятларга илмий – инновацион ёндошган ҳолда, ҳеч қандай низоли вазиятларни келиб чиқишига ўрин қолдирмайди. Чунки ўзаро муносабатда ўқитувчи ва ўқувчи бир – бирини тўғри тушунган ҳолда педагогик доирадан ташқарига чиқишмайди. Бу жараён ҳар қандай кескинликларга барҳам бериш, “Устоз–шогирд” тизимини шакллантириш имкониятларининг эшигини очади. (Ҳ.Абдукаримов, О.Сувонов. 2010.)

Олий таълим тизимида эса,18- 20 фоиз профессор-ўқитувчилар касбий фаолиятини илмий тадқиқот изланишларсиз тасаввур қила олмаслиги маълум бўлди. Кўпроқ изланиш илмий мақолалар ёзиш, тавсиялар тайёрлаш касбий фаолият мазмунини ташкил этади. Бундай ўқитувчилар фаннинг бирор муаммосини ўрганиб, инновацион ёндошувлар асосида ўзининг мутахассислик йўналишига татбиқ этиш орқали ўз маҳоратини оширишга интилади.

Олий таълим тизимида ўзларининг ўқув методик тажрибаларига эга бўлган ўқитувчилар (36 – 40фоиз) ўз касбига ўта масъулият билан қарашади.

“Устоз–шогирд” тизимини яратишда натижага эришиш учун мактабгача таълим тизими умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимида узлуксиз ўзаро ҳамкорлик қоидаларига амал қилсагина кузланган мақсадга эришилади.

Бу жараённи такомиллаштиришга хос **умумий қоидалар** қуйидагилар ҳисобланади:

1.“Устоз – шогирд ” мактаби таълим муассасаларининг раҳбарлари томонидан буйруқ асосида ташкил этилади.

2. Ҳар бир ёш тарбиячи ёки ўқитувчига алоҳида устоз тайинланади. Устоз шогирд фаолияти учун тузилган йиллик режа асосида иш олиб борилади.

3. Устоз – шогирдларининг таълим – тарбиявий фаолияти учун шахсан масъул ҳисобланади.

4. Устоз шогирд фаолиятини, унинг амалий ишларини вақти – вақти билан рағбатлантириб боради.

5. “Устоз – шогирд ” фаолияти асосида режали бажарилган ишлар намуна сифатида кўргазмаларда намойиш этилиши, илмий мақолалар ҳамда грантлар тайёрлаш, конференция ва семенар – тренингларда фаол иштирок этиш устоз ва шогирднинг касбий бурчи ҳисобланади.

6. Намунавий фаолият кўрсатиб, шогирдлари юқори натижаларга эришган устозлар тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилади. Уларга илмий мақолалари, ўқув – методик қўлланмаларини чоп эттириш, дам олиш учун йўлланмалар бериш каби имтиёзлар берилади. Кўриб ўтилганидек, .“Устоз – шогирд ” мактаби анъанасини ташкил этишда ўқитувчиларни эгаллаган касбига бўлган муносабати ҳисобга олинади. (Ҳ.Абдукаримов, О.Сувонов. 2010.)

Юқоридаги кўрсатмаларга амал қилсак ўқувчи ёки талабалар ўртасида ҳам шогирд тушиш истаги яққол кўзга ташланади. Анкета сўровномаси ва суҳбатлар асосида ўқувчиларнинг кўпроқ қисми, яъни 10– 12 таси тажрибаси бой ўқитувчиларга шогирд тушишни исташади.

Иқтидори юқори бўлган ўқитувчиларига (8 – 9 фоиз) алоҳида қобилиятга эга бўлган ўқувчилар шогирд тушишади. Буларда назарий билим бўлиш билан бирга амалий ҳамда ҳаётий тажрибалар бўладики , “устоз – шогирд ” ўз ишларини режали ҳамда илмий асосда ташкил этишда ўз имкониятларини тезда топиб олишади. Бундай ўқитувчиларга кўп бўлмасада (3 – 4 ўқувчи), ўзлари қизиқиб, устозни танлаганликлари алоҳида эътиборга моликдир. (Х.Е.Ибрагимов,У.А.Йўлдошев. 2008)

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кузатувлар шуни кўрсатадики, 25 та ўқувчидан камида 4 – 5 таси дарсларга келмайдиган, келса ҳам кечикадиган, синф жамоасида муаммоли вазиятларни келтириб чиқарадиган, мактаб фаолиятида жамоат ишларида,

байрам тадбирлари ҳамда шанбаликларда деярли қатнашмайдиган, суст ўқувчиларни ташкил этди. Нуқсонли вазиятлар, “Устоз – шогирд ” муносабатига оид ҳар хил кескин ҳолатлар ҳам ана шу (кам сонли) ўқувчилар чекига тўғри келди.

“Устоз – шогирд ” рўйхатида кўриб ўтилган ўқувчиларнинг исми, шарифлари бўлсада, амалда бу ўқувчилар ўзларининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, синф жамоаси таркибига бирикиб, шу синфнинг фаол аъзоси бўлиб кетмасликлари кўзга ташланиб турди.

Психолог ва социолог олим И.С.Коннининг кўрсатишича ўқувчи – ёшлар, айниқса, 15 – 17 ёшли ўсмирлар бир – бирларига ёмон тавсифнома беришмайди. Шу маънода ўқитувчи устоз сифатида қўл остидаги ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятини билиши, боладаги “ яхши ” деб топилган хислатни ўрганиши, сўнг ана шу хислат теварагида муамола қилиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиши лозим. (Адизова Т.М. 1999)

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда мактабларда “Устоз – шогирд ” имкониятларининг яратилиши устоз- шогирд фаолияти учун самарали меҳнат натижаси ҳар томонлама камол топган ўқувчиларни тарбиялашдан иборат бўлади.

REFERENCES

1. Адизова Т.М. Ўқитувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностикаси ва коррекцион ишлари. - Т.: 1999.
2. Ҳ.Абдукаримов, О.Сувонов. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т., 2010.
3. Х.Е.Ибрагимов,У.А.Йўлдошев,.Педагогик психология. 2008.